Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
16 апрель
ШАНБА
№ 31 (12875)

www.th.uz

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА АЗАЛИЙ ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 14 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 15 апрель куни Кўксаройда бўлиб ўтди.

Ислом Каримов ва Нурсултон Назарбоев музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Қозоғистон Президентини юртимизга ушбу ташрифи билан қутлаб, бу олий даражадаги мулоқотларнинг изчил давоми эканини таъкидлади.

– Сизни Ўзбекистонда кўришдан ҳар доим хурсандмиз. Ўзбек ва қозоқ халқлари азалдан яхши қўшни, дўст бўлиб яшаб келган. Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ана шу тамойиллар асосида ривожланмоқда. Халқаро вазият тез ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган ҳозирги кунда бундай дўстлик, ўзаро англашув янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташрифингиз томонларни қизиқтирган масалаларни муҳокама этиш учун қулай имкониятдир, – деди Ислом Каримов.

Қозоғистон Президенти Ўзбекистон Президентига таклиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланаётганини қайд этди.

– Тўғри таъкидлаганингиздек, халқларимиз асрлар давомида ёнма-ён, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда. Мустақиллик йилларида биз бу муносабатларни янада мустаҳкамладик. Марказий Осиёнинг етакчи давлатлари бўлган мамлакатларимиз ҳамкорлиги бутун минтақа учун муҳим аҳамият касб этади. Ўзаро муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш ва изчил давом эттиришдан манфаатдормиз, – деди Нурсултон Назарбоев.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик 1998 йилда Тошкентда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома, 2013 йилда пойтахтимизда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро изчил ривожланмоқда. Икки мамлакат парламентлари ўртасида амалий мулоқот йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган.

Мамлакатларимиз БМТ, ШҲТ, МДҲ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик кўплаб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир.

Икки давлат раҳбарлари Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашар экан, ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик таъминланиши ва иқтисодиёт тикланишидан манфаатдор эканини таъкидладилар. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигида қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокаралар ўтказиш ва ўзаро келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги қайд этилди.

Президентлар Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёлар сув ресурслари минтақамизнинг умумий бойлиги бўлиб, халқларимиз фаровонлиги кўп жиҳатдан уларни оқилона ва самарали фойдаланишга боғлиқ эканлигини таъкидладилар. Трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш масаласида БМТ конвенциялари ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига қатъий риоя қилиш зарурлиги қайд этилди.

Таъкидланганидек, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга оширишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилмоқда.

Музокарада савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Қозоғистон мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий соҳадаги муҳим шерикларидан биридир. Ўзбекистон Қозоғистонга мева-сабзавотлар, транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар, турли хизматлар экспорт қилади. Қозоғистондан юртимизга қора ва рангли металлар, ёғ-мой маҳсулотлари келтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2015 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилган.

Қозоғистонда мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган 151 корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Қозоғистон капитали иштирокида 206 корхона, шу жумладан, 171 қўшма корхона очилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ўзаро алоқаларни изчил ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жорий йил 10-11 март кунлари Остона шаҳрида мазкур комиссиянинг 15-мажлиси бўлиб ўтди.

2007-2016 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегиясига мувофиқ савдо, сармоя, транспорт, коммуникациялар, божхона, сув-энергетика ва инновация йўналишларида амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар самараси ўзаро алоқаларга қўшимча суръат бағишламоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Мамлакатларимизнинг автомобиль ва темир йўллари ўзаро интеграциялашган. Бу муҳим коммуникация тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда.

Музокарада Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг фойдаланилмаган ресурсларини ишга солиш ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини бериши таъкидланди. Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида товар айирбошлашнинг ўсувчан динамикасини сақлаб қолган ҳолда унинг ҳажмини янада кўпайтириш, савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Қўшма корхоналарни кўпайтириш, тадбиркорлар ҳамкорлигини ривожлантириш мамлакатларимиз манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Очиқ ва дўстона руҳда ўтган музокарада ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди.

Шу билан Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи ниҳоясига етди.

Анвар САМАДОВ,
ЎзА мухбири.

2016 йил 15 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг жорий йилнинг I чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини муҳокама қилишга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 15 январида республика Ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган мамлакатни ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётни ва унинг тармоқларини, энг аввало, саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш, таркибий қайта ўзгартириш ва модернизациялаш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш ва янгилаш, хусусий мулкни, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, аҳоли бандлиги ва фаровонлиги даражасини оширишнинг ўртача муддатли дастурларини амалга оширишнинг натижалари кўриб чиқилди ва ҳар томонлама таҳлил қилинди.

2016 йил учун қабул қилинган иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифалари ва устувор йўналишларини тизимли ва изчил амалга ошириш туфайли глобал иқтисодиётда давом этаётган инқирозли ҳодисаларга ва унинг ривожланиши суръатлари секинлашганлигига қарамай, Ўзбекистонда иқтисодиёт ўсишининг барқарор суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик таъминланаётганлиги қайд этилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 7,5 фоизга ўсди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми – 6,7 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми 12,8 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдоридаги профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

Хизматларнинг замонавий турларини, энг аввало, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган турларини жадал ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хизматлар ҳажмларининг 12,1 фоизга ўсишини ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2015 йилнинг биринчи чорагидаги 59,3 фоиздан 59,5 фоизгача кўпайишини таъминлади.

Кичик бизнесни рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирларини амалга оширишни давом эттириш жорий йилнинг биринчи чорагида кичик бизнеснинг 8,4 мингта ёки 2015 йилнинг шу давридагига қараганда 5,5 фоиз кўп янги субъекти ташкил этилишига кўмаклашди. Йил бошидан бошлаб кичик бизнес субъектларига 3,6 триллион сўм банк кредитлари берилди, ўсиш 2015 йилнинг 1-чорагидагига қараганда 1,3 бараварни ташкил этди.

2016 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини ошириш дастури доирасида 167,4 мингта янги иш ўринлари ташкил этилди, улардан 57,7 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Давоми 2-бетда.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Вилоятимизда шу йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловига муносиб ҳозирлик кўрилмоқда.

ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Жойларда ташкил этилган кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳларнинг қонуний асосда, юксак самара билан фаолият юритиши ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ошкоралик, тенглик ва муқобиллик принциплари асосида ўтишини таъминловчи асосий омилдир.

Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган "Фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзуидаги ҳудудий семинар айни шу жиҳатга қаратилгани билан эътиборлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан ўтказилган анжуманда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ раҳбарлари, ҳудудий кўмаклашувчи комиссия аъзолари ва улар ҳузуридаги ахборот хизматлари вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бўлинмалари раислари, тегишли туман ва шаҳар ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари мутасаддилари иштирок этишди.

Давоми 2-бетда.

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН»

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишидаги маърузаси Хитойнинг эксперт-таҳлилий ва ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Эътироф

Хусусан, Фудан университети ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатлари ва Россия тадқиқотлари маркази директори Чжао Хуашен "Жаҳон" ахборот агентлигига берган интервьюсида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

– Ўзбекистоннинг ўтган йилда ўз олдига мақсад қилиб қўйган вазифаларни изчил амалга ошириш билан биргаликда, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳамда аҳоли яшаш даражасини юксалтиришга қаратилган ишларни давом эттириш йўлидан ишонч билан одимлаётгани қувонарли ҳол.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юз бераётган мураккаб шароитда мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлар замирида улкан ва тинимсиз меҳнат ётганини Хитойда яхши англашмоқда. Ўзбекистонда асосий эътибор ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилаётганидан яхши хабардормиз.

Маълумки, Ўзбекистон ўз келажаги учун мустаҳкам асос яратиш мақсадида ижтимоий-иқтисодий ислоҳатларни чуқурлаштириш йўлидан оғишмаган ҳолда, барқарор ривожланишни сақлаб қолмоқда.

Минтақа бўйича мутахассис сифатида мени қувонтираётган нарса шундаки, мамлакатингиз раҳбарияти келгусида тизимли ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётир. Бу, шубҳасиз, ғоят муҳим қарор бўлиб, мазкур йўналиш аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда моддий фаровонликни янада юксалтириш учун замин яратади. Ўзбекистон 2016 йилда янада кўпроқ муваффақиятларни қўлга киритишига аминман.

"Жаҳон" АА,
Шанхай.

МАҚСАДГА ИНТИЛИШ САОДАТИ



Бугун мамлакатимизда биз – ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топишимиз, ўз салоҳиятимизни намоён этишимиз учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Изҳор

Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг самарасини юзлаб тенгдошларимизнинг халқаро олимпиадалар, танлов ва фестивалларда, спорт мусобақаларида юқори чўққиларни забт этаётгани, фан, таълим, маданият, санъат ва ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида улкан ютуқ ва муваффақиятларга эришаётгани мисолида кўриш мумкин.

Мен ана шундай ёшлар сафида эканлигимдан ҳамиша ғурурланаман.

Ўрта мактабни битиргач, қишлоқ хўжалиги соҳасига қизиққаним боис Тошкент Давлат аграр университетига ўқишга кирдим. Таҳсилни имтиёзли диплом билан тугаллагач, илмий иш билан шуғулланишга қарор қилдим. Айни пайтда университетнинг "Қишлоқ хўжалиги экинлари генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги" кафедраси ассистенти сифатида фаолият юритмоқдаман. Касбим нуқтаи назаридан республикамиз аграр соҳасини ривожлантириш, ислоҳотларни амалга ошириш бўйича белгиланган дастурлар ижросини таъминлашда иштирок этмоқдаман.

Университетимиз ҳамда Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан республикамизнинг ҳар бир ҳудудига мос янги пахта ва буғдой навлари яратилмоқда. Изланишлар натижасида ғўзанинг вегетация даврини сезиларли даражада қисқартиришга эришилди. Хусусан, пахтанинг "Султон", "Порлоқ" навлари бугунги кунда республикамизнинг барча майдонларига экилиб, мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда.

Юртбошимиз ўзининг ҳар бир чиқишида мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган ёшларнинг бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди. Президентимиз томонидан биз – ёшларга билдирилаётган ишончни мамлакатимиз тараққиёти, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги фидокорона меҳнатимиз, интилишларимиз билан оқлашимиз керак.

Умид БАҲОДИРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада мустаҳкамлашга, оналар ва болаларни тиббий парвариш қилиш даражаси ва сифатини оширишга йўналтирилган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури тадбирларини фаол амалга ошириш бошланди. Дастур тадбирларини молиялаштиришга жорий йилнинг биринчи чорагида қарийб 1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағ йўналтирилди.

Мажлис кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш давомида таркибий қайта ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификациялаш, шу жумладан, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни босқичма-босқич кўпайтириш, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш, республика ҳудудларининг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш бўйича устувор вазифаларнинг амалга оширилиши ва натижадорлигини батафсил таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Ҳозирги вақтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсишининг қарийб 80 фоизи иқтисодиётнинг қайта ишлаш тармоқлари томонидан таъминланаётганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори хомашёни жаҳон бозорида талаб этилган тайёр маҳсулотга чуқур қайта ишлашнинг 3-4 босқичли цикларига ўтишни назарга тутувчи 2020, 2025 ва 2030 йилларга ҳисоблаб чиқилган саноатнинг етакчи тармоқларини ривожлантириш дастурлари лойиҳаларини ишлаб чиқишни тугаллашни жадаллаштириш ва тасдиқлаш учун киритиш зарурлигига қаратилди.

Республиканинг бир қанча хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари, вилоятлари ва туманлари ҳокимликлари раҳбарлари олдига 2016-2020 йилларда мева-сабзавот, гўшт-сут маҳсулотларини, рангли ва нодир металларни чуқур қайта ишлаш тадбирлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш ва қабул қилинган мақсадли параметрларга эришиш бўйича аниқ вазифалар қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳокимликлар

Бошланиши 1-бетда.

ҳузурида янгидан ташкил этилган ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича йиғма бошқармаларнинг самарали ишлашини ташкил этиш, шунингдек, тармоқ тузилмалари билан биргаликда минтақаларнинг саноат салоҳиятини жадал ривожлантириш, жойларда юқори қўшилган қийматли, шу жумладан, экспортга етказиб бериладиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этишнинг дастурий чора-тадбирларини ишлаб чиқиш юзасидан комплекс қўшимча чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Саноат ишлаб чиқаришини узлуксиз техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган фаол инвестиция сиёсати ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмлари 8,5 фоизга, шу жумладан, хорижий инвестициялар 14,4 фоизга ўсишига кўмаклашганлиги қайд этилди. 2016 йилги Инвестиция дастури доирасида 368 та янги инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланди, улар бўйича қуриш ва реконструкция қилишга пудрат шартномалари белгиланган тартибда тузилган. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотларнинг 37 та янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, қишлоқ жойларда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳалари фаол амалга оширилмоқда. Фарғона водийси вилоятларини республиканинг қолган ҳудуди билан тўғридан-тўғри темир йўл қатновини билан бирлаштирадиган янги электрлаштирилган Ангрен-Поп темир йўли қурилиши тугалланмоқда. Самарқанд-Бухоро темир йўлини, йўловчилар ташиш поездларининг юқори тезликда ҳаракатланишини ташкил этган ҳолда, электрлаштириш лойиҳаси жадал суръатларда амалга оширилмоқда. Замонавий технология бўйича кенг полосали фойдаланишнинг 500 километрдан ортиқ оптик-толали тармоқларини қуриш ва захирага қўйиш амалга оширилди. Қишлоқ тураржой массивларида 13 минг-та янги шинам уйлар, ушбу массивларда ижтимоий ва бозор инфратузилмасининг замонавий объектларини қуриш бошланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида қурилиш ишларига ўсиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда 2016 йилда 400 тадан ортиқ янги, молиявий барқарор ва зарур техника билан жиҳозланган қурилиш ва монтаж ташкилотлари ташкил этишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш топширилди.

Мажлисда маҳсулот экспортининг тузилмасини диверсификациялаш ва турларини кенгайтириш, янги ташқи бозорларни ўзлаштириш, шу асосида 2016 йил учун белгиланган экспортнинг прогноз параметрларига эришишни таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жаҳон бозорларида талабнинг кескин қисқаришига, кучайиб бораётган ноаниқликка ва қаттиқ рақобатга қарамай, экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш ва маҳсулотларнинг ташқи бозорларга кириб боришини зарур тарзда қўллаб-қувватлаш юзасидан Ўзбекистонда кўрилаётган самарали чора-тадбирлар экспорт ҳажмлари ўсиши тенденциялари ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини таъминлаётганлиги қайд этилди. Йил бошидан бошлаб олдин ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган 583 та янги корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, шунингдек, маҳсулотларнинг 95 та янги турини экспорт қилиш ўзлаштирилди.

Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг эътибори экспортга етказиб беришни кўпайтиришнинг барча мавжуд захираларини аниқлаш ва сафарбар қилиш, янги бозорларни ўзлаштириш, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, янги ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг экспортдаги иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг зарурлигига қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан янгидан ташкил этилган "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси ва унга идоравий мансуб ихтисослаштирилган "Ўзагроэкспорт" ташқи савдо компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги раҳбарлари олдига белгиланган мақсадли параметрларга мувофиқ янги узилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини жорий йилда экспортга етказиб бериш ҳажмлари бўйича ўз вақтида контрактлар тузилишини таъминлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида акциядорлик жамиятларининг устав капиталларига хорижий инвесторларни жалб этиш ва корпоратив бошқарув, шунингдек, давлат улушлари ва активларини, шу жумладан, "нул" сотиш қиймати билан сотиш ҳисобига давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари амалга оширилиши чуқур таҳлил қилинди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида 178 та давлат активи 216 миллиард сўмга яқин инвестиция мажбуриятлари қабул қилинган ҳолда хусусий мулкка сотилганлиги қайд этилди. Устав фондларида давлат улушлари бўлган акциядорлик жамиятлари сони 2015 йилнинг шу давридаги 378 та ўрнига 209 тагача кисқарди.

Хўжалик бирлашмалари, акциядорлик жамиятлари раҳбарларига Давлат рақобат қўмитаси билан биргаликда 2015 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро инвестиция форумида эришилган аҳдлашувларга мувофиқ давлатнинг ва хўжалик бирлашмаларининг активларини хорижий инвесторларга сотишни тезлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўриш топширилди. Улар олдига, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав фондларида хорижий капитал улушини камида 15 фоиз миқдорида таъминлаш мақсадида уларнинг устав фондларига потенциал хорижий инвесторларни фаол жалб этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, республика вазирликлари, идоралари, хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Республика Ҳукуматининг мажлисига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди, уларда 2016 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

ЎзА.

❑ Кучли фуқаролик жамияти сари





ДАХЛДОРЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Таъкидланганидек, бугун мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни ва нуфузи тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилгани, вазифа ва ваколатлар кўлами кенгайгани, давлат бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустаҳкамланиб бораётгани бу борада муҳим ўрин тутаётир. Бир сўз билан айтганда, маҳалла фуқаролик жамияти институтининг бирламчи бўғини сифатида ўзини ҳар жиҳатдан тўлиқ намоён этмоқда.

Семинарда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси Ҳожимурод Эрматов вилоятда мазкур муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнлари ҳақида батафсил маълумот берди. Қайд этилдики, мазкур сайловларда вилоят бўйича 1 минг 158 нафар маҳалла раиси ва уларнинг 11 мингдан ортиқ маслаҳатчилари сайланиши кутилмоқда. Бу эса муҳим тадбирга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш, кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлар масъулиятини янада кучайтиришни тақозо этади.

– Туманимизда 60 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритмоқда, – дейди Халқ депутатлари Паркент тумани кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси аъзоси Дилшод Азимбоев. – Бўлажак сайловларда уларнинг раислари билан бир қаторда 540 нафардан зиёд маслаҳатчилар ҳам сайланади. Ўзини ўзи бошқариш органларида ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шунингдек, "Логистика" марказининг 100 та ҳайдовчиси 30 соатлик қайта тайёрлов машғулотларини ўтади. Яна 150 нафар ёш синов-имтиҳонларни юқори натижа билан топшириб, Қуролли Кучлар сафларига хизматга юборилди. Ўтган ойдан бошлаб эса яна 100 нафар ҳарбий хизматга чақирилувчи ҳайдовчилик ва чавандозлик йўналишлари бўйича ўқув машғулотларини бошлаб юборди.

– Мақсадимиз ёшларни мард, жасур, фидойи, ватанпарвар ўғлонлар қилиб тарбиялашдир, – дейди мактаб бошлиғи Жумабой Турсунов. – Бунинг учун барча шароитлар муҳайё. Ўқув машғулот хоналари, кутубхона, ошхона, спорт зали, тиббий хизмат хонаси, 100 ўринли ётоқхона улар ихтиёрида.

– Бу ерда ўзимизни худди ҳарбий хизматдагидек ҳис қиламиз, – дейди паркентлик Достон Нурматов. – Қатъий тартиб-интизом ва жиддий машғулотлар бизни тарбияламоқда. Мақсадим – устозларим бераётган билимни пухта ўзлаштириб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлиш.

Мактабда ўтказиладиган турли ҳарбий спорт мусобақалари ҳеч бир курсантни бефарқ қолдирмаётганини улар эришаётган ютуқларда ҳам кўришимиз мумкин.

– Яқинда 100 нафар курсант ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш мусобақаларини ўтказдик, – дейди мактаб бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдужалил Исмоилов. – Голиб бўлган иштирокчилар мусобақаларнинг вилоят босқичида иштирок этишга ҳозирлик кўришмоқда. Эътиборлиси, бу каби биринчилик ва танловлар ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

Зангиота агросаноат касб-ҳунар коллежида экобоғ яратилди.

❑ Ҳавас

КОЛЛЕЖДА ЎҚУВЧИЛАР ЭКОБОҒИ

Мазкур хайрли ишга вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош бўлди. Мутахассисларнинг кўчатларни экиш ва уларни парваришлашга оид тавсиялари экобоғни яратишда ўқувчиларга қўл келди.

Жамила РАҲИМОВА.

❑ Ватанга хизмат муқаддас бурч

Мамлакатимиз чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, унинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ҳарбий-техник мутахассисларни тайёрлашда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ҳиссаси катта.

МАРДЛИК, МАТОНАТ, САДОҚАТ

Жумладан, ташкилотга қарашли Ангрен автомобиль мактаби кўп йиллардирки, Қуролли Кучларимиз учун ҳарбий ҳайдовчилар, чавандозлар, халқ хўжалиги учун турли тоифали ҳайдовчиларни етиштириб чиқармоқда. Хусусан, ўтган йили мактабда 18 ёшдан ошган 500 нафар фуқаро шу йўналиш бўйича таҳсил олди, 75 нафар ҳайдовчи қайта тайёрланди. Шунингдек, "Логистика" марказининг 100 та ҳайдовчиси 30 соатлик қайта тайёрлов машғулотларини ўтади. Яна 150 нафар ёш синов-имтиҳонларни юқори натижа билан топшириб, Қуролли Кучлар сафларига хизматга юборилди. Ўтган ойдан бошлаб эса яна 100 нафар ҳарбий хизматга чақирилувчи ҳайдовчилик ва чавандозлик йўналишлари бўйича ўқув машғулотларини бошлаб юборди.

– Мақсадимиз ёшларни мард, жасур, фидойи, ватанпарвар ўғлонлар қилиб тарбиялашдир, – дейди мактаб бошлиғи Жумабой Турсунов. – Бунинг учун барча шароитлар муҳайё. Ўқув машғулот хоналари, кутубхона, ошхона, спорт зали, тиббий хизмат хонаси, 100 ўринли ётоқхона улар ихтиёрида.

– Бу ерда ўзимизни худди ҳарбий хизматдагидек ҳис қиламиз, – дейди паркентлик Достон Нурматов. – Қатъий тартиб-интизом ва жиддий машғулотлар бизни тарбияламоқда. Мақсадим – устозларим бераётган билимни пухта ўзлаштириб, Ватанимизнинг муносиб ҳимоячиси бўлиш.

Мактабда ўтказиладиган турли ҳарбий спорт мусобақалари ҳеч бир курсантни бефарқ қолдирмаётганини улар эришаётган ютуқларда ҳам кўришимиз мумкин.

– Яқинда 100 нафар курсант ўртасида ҳарбий-амалий кўпкураш мусобақаларини ўтказдик, – дейди мактаб бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Абдужалил Исмоилов. – Голиб бўлган иштирокчилар мусобақаларнинг вилоят босқичида иштирок этишга ҳозирлик кўришмоқда. Эътиборлиси, бу каби биринчилик ва танловлар ёшлар ўртасида спортни янада оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда муҳим ўрин тутмоқда.

Нозима АРСЛОНОВА.

❑ Ташаббус

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган «Либос – маънавий гўзаллик тимсоли» мавзуидаги тадбир кексаю ёшга манзур бўлди. Маънавий қадриятларимизга ҳурмат, миллий ўзлигимизга садоқат, ёшлар тарбиясига дахлдорлик руҳидаги бу каби тадбирлар вилоят шаҳар ва туманларида ҳам ўтказилмоқда.

«ИПАКМИДИ, АТЛАСМИДИ, КИЙГАНИНГИЗ...»



Паркент туманидаги Сўқоқ маданият уйи ҳамда Қибрай туманидаги Дўрмон маданият саройида бўлиб ўтган анжуманлар ҳам айни шу мавзуга бағишланди. Хотин-қизлар, тадбиркор, ҳунармандлар, маҳалла фаоллари ҳамда коллеж ўқувчиларининг изланишлари, билим ва иқтидори сезилиб турарди.

Тадбирларда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди. Юртимизга садоқат туйғулари акс этди. Намойиш этилган ҳар бир миллий ва замонавий руҳдаги либосларда тадбиркорлар, қўли гул ҳунармандлар ҳамда коллеж ўқувчиларининг изланишлари, билим ва иқтидори сезилиб турарди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

ОҚ ЛИБОСЛИ МЕҲРИБОНЛАР

❑ «Ҳамшира – 2016»

Юқори Чирчиқ туманида Соғлом она ва бола йили муносабати билан "Ҳамшира – 2016" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Унда соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган ўттиз ёшгача бўлган ҳамширалар беллашдилар.

Якунда "Болта" қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Резида Раҳимова танлов ғолиби деб топилди.

Ғолибларга ташкилотчи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мансур ЛАТИПОВ.

❑ 2016 йил – Соғлом она ва бола йили

Бўстонлиқ туманидаги 16-мактабгача таълим муассасаси яқинда капитал таъмирдан чиққач, янгича чирой очди. Кираверишдаги эртак қаҳрамонлари ҳайкалчалари, ранг-баранг манзара нафақат болажонларни, балки катталарни ҳам ўзига ром этади. Атрофнинг озодалиги, хушманзаралиги дилни яйратади.

БАРЧА ШОДЛИК СИЗГА БЎЛСИН

Муассасадаги 6 гуруҳда 140 нафар бола тарбияланмоқда. Инглиз ва рус тили, рақс тўгараклари ишлаб турибди. Дид билан жиҳозланган хоналар, ўйинчоқ ва кўргазмали қуролларни кўриб, бола бўлиб қолгинг келади. Болажонлар ҳам яратилган шароитлардан завқланганча, эрта тонгдан боғчага ошиқадилар.

– Болаларнинг яхши таълим-тарбия олиши, тўғри овқатланиши, фойдали ва витаминларга бой маҳсулотларни истеъмол қилишига алоҳида эътибор қаратамиз, – дейди муассаса мудираси Холида Расулова. – Тарбияланувчиларнинг саломатлигини ўйлаб, турли юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида эрталабки қабул ташкил этганмиз. Бу жараёнда тиббий ҳамшира ва гуруҳ тарбиячиси болаларни синчиклаб кўрикдан ўтказишади.

– Тиббиёт ходимларимиз зарур воситалар билан жиҳозланган, – дейди ҳамшира Озода Ортиқбоева. – Болаларни тез-тез кўрикдан ўтказиб, касаллик аниқланса, зудлик билан чора кўрамиз. Шунингдек, "саломатлик соатлари" кичкинтойларнинг соғлом турмуш тарзига оид кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Муассасада болалар учун соғлом муҳит яратиш мақсадида Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг туман бўлими билан алоқа ўрнатилган. Ҳамкорлик яхши йўлга қўйилгани сабабли, шу вақтгача болалар ўртасида юқумли касаллик ёки овқатдан заҳарланиш ҳолатлари юз бермади.

– Тумандаги 17 та мактабгача таълим муассасаси, 53 та умумтаълим мактаби ва 7 та касб-ҳунар коллежида санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишини назорат қиламиз, – дейди туман ДСЭНМ болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими бошлиғи Карима Ҳайдарова. – Соғлом она ва бола йили зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.



"Барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради".

Муассасадан қайтар чоғимиз давлатимиз раҳбарининг шу фикрлари яна бир бор хаёлимиздан ўтди.

Нозима РАСУЛОВА, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Замондош билан юзма-юз

Ҳар сафар чирчиқлик Рихси Бекбўтаевани кўрганда Юртбошимизнинг: "Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади", деган сўзлари ёдга тушади. Бу бежиз эмас, албатта.

ЭЗГУЛИК ДУНЁНИ АСРАЙДИ



Салкам эллик йилдан буён эл-юрт хизматига камарбаста бу аёл миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёш авлод қалбига она Ватанга муҳаббат туйғуларини чуқур сингдиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

– Болалигимдан ёшларга таълим-тарбия берувчи устозларим, ўқитувчиларимга ҳавас қилардим, – дейди Рихси опа. – Онажоним "Ўқитувчилик улуғ касб, болаларни ўқитиб, тўғри йўлга солиш, ҳаётда ўз ўринларини топиб олишларига ёрдам бериш энг хайрли иш", дердилар... Шу-шу ёшлар орасидаман. Очиғини айтсам, истиқлол йилларида фаолиятимнинг мазмун-моҳияти тубдан ўзгарди. Ўзлигимиз, миллий қадриятларимизга бўлган холис муносабат, маънавий рағбат кўнглимни тоғдек кўтарди.

Рихси Бекбўтаева Чирчиқ Давлат техника коллежида "Маънавият ва маърифат" ишлари бўйича директор ўринбосари, кейинчалик Республика Маънавият тарғибот маркази шаҳар бўлими раҳбари вазифасида ишлади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳаётга тайёрлаш, уларнинг онгига одоб-ахлоқ меъёрларини сингдириш, миллий қадриятларимизга зид бўлган иллатларни йўқотиш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишга бошқош бўлди.

– Ўғил-қизларимизнинг ҳар соҳада фаол, айниқса, юксак маънавиятли, ҳар томонлама етук, баркамол бўлишларини истайман, – дейди Рихси Бекбўтаева. – Уларнинг ютуғини кўриб қувонаман, айрим нуқсонларини пайқасам, қийналаман. Ахир улар бизнинг фарзандларимиз, эртамиз эгалари-да.

Шу мақсадда у бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда интернет ҳамда компьютер клубларида рейдлар ўтказишга ҳаракат қилади. Ёшлар учун ёт бўлган "оммавий маданият"га қарши курашиш мақсадида ташкил этаётган "Оммавий маданият – миллий маданиятимиз кушандаси", "Китоб – илм хазинаси", "Экранда олабўжи", "Келинг, маданиятли ва маърифатли бўлайлик" мавзуларидаги давра суҳбатлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиб, ўз самарасини кўрсатаётгани ҳам бор гап.

– Чирчиқлик ёшларнинг ҳар тарафлама соғлом фикрли бўлишлари эртанги кунга ишонч билан қарашлари кўп жиҳатдан биз – маънавият тарғиботчиларига боғлиқ, – дейди тарғиботчи. – Албатта, бунинг учун, энг аввало, ўзимиз юксак маънавият эгалари бўлишимиз зарур. Бу борада бизга мамлакатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Ўзбекистон мустақиллик остонасида", "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир" каби китоблари, ҳар бир маърузаси муҳим қўлланмадир.

Ўз устида тинимсиз ишлайдиган Рихси Бекбўтаева ўқиб-ўрганганларини, албатта, ёшлар билан баҳам кўради. "Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият", "Сен ўзингни қулликдан асра", "Исроф ҳам гуноҳ", "Ватандан яхши ёр бўлмас", "Огоҳ бўлинг, одам савдоси қурбонига айланиб қолманг" каби мавзуларда уюштирган давра суҳбатлари, мулоқот, учрашувларда мактаб, коллеж ўқувчилари доим фаол иштирок этишади.

Дарвоқе, чирчиқликларнинг "Қўли гулдир ўзбек аёлин", "Оналар куйлаганда", "Менинг маҳаллам", "Юксак маънавиятли авлод" кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, нафақат вилоятда, балки республикада юқори ўринларни эгаллашида ҳам тиниб-тинчимас маънавият тарғиботчисининг хизмати катта.

"Меҳнат қилган элда азиз" дейишади. Рихси Бекбўтаевани бу жиҳатдан бахти бекам аёл дейиш мумкин. Мустақиллик шарофати билан у Ватанимизнинг юксак мукофотлари – "Шуҳрат" медали ҳамда "Меҳнат шуҳрати" ордени нишондори бўлди. Рихси опа умр йўлдоши Рихситилла Алмахаматов билан вояга етказган икки фарзанди ва ширинда шакар невaралари ардоғида умргузаронлик қилишмоқда.

Яхшилар дунёни асрайди. Уларга боққанда кўнгил қувнаб, дил яйрайди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

Қишлоқ мулкдорлари

Оҳангарон туманидаги "Шоштепа шамс" фермер хўжалигининг кўзада ивийдиган қатиғи бугун пойтахтимиздаги кўплаб супермаркетлар расталарини безаб турибди.

«КЎЗА ҚАТИҚ»ДАН ИЧМАБСИЗ, ОҲАНГАРОНГА БОРМАБСИЗ

Маълумки, мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилмоқда. Энг муҳими, харидорларнинг танлаш имконияти кенгайиб, бозорларда соғлом рақобат вужудга келаяпти.

– Аслида, рақобатда нарх ва сифат биринчи кучга эга, – дейди фермер. – Аммо, аҳолининг турмуш фаровонлиги қанчалик юқори бўлса, сифатнинг қадри ошади ва аксинча, нархнинг аҳамияти пасаяди. Шу боис, асосий эътиборни сифатга қаратганмиз.

Гап шундаки, фермер бу йўналишда иш бошлашидан аввал обдон изланди. Бозорларни, халқнинг бой тажрибаси ва ҳатто, қадимий қўлёзмаларни ҳам ўрганди. Натижада, қатиқни табиий "ачитқи" усулида тайёрлаб, кўзаларда ивитиш керак, деган хулосага келди. Бунинг учун Риштон туманидан уста кулолларни ишга ёллаб, ҳам хўжаликда қўшимча тармоққа асос солди, ҳам қатиқнинг идишини ўзидан чиқарди. Шунингдек, қадимги славян халқларининг рангли "ряженка" тайёрлаш сир-асрорларини ўзлаштириб, янги маҳсулот сифатида уни ҳам савдога чиқарди.

Эътиборли жиҳати шундаки, деҳқончилик, боғдорчилик, сутни қайта ишлаш, паррандачилик, иссиқхона, балиқчилик, кулолчилик каби 10 дан зиёд тармоққа эга "Шоштепа шамс" барча соҳаларда ўзига хос "услуб"-лардан фойдаланмоқдаки, бу хўжаликнинг иқтисодий салоҳиятида яққол кўриниб турибди.

Э, қандингни ур, азамат!

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Умар АҲМЕДОВ олган сурат.



Реклама ва эълонлар

"VIP REAL ESTATE" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 17 май куни соат 12.00 да мулкнинг бошланғич баҳосини босқичма-босқич ошириш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: 1. ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 20.10.2015 йилдаги 1-6495/15-сонли ижро варақасига асосан: Янгийўл тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 103 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Самарқанд кўчасида жойлашган, умумий майдони 0,15 га, қурилиш ости майдони 337,78 кв.метр, 3 та Литердан чойхона ва новвойхона биноси қўйилмоқда; 2. ФИБ Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманлараро судининг 11.09.2015 йилдаги 1-715/15-сонли ижро варақасига асосан: Паркент тумани СИБ томонидан хатланган, бошланғич баҳоси 190 000 000 сўм бўлган, Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Самаробод МФЙ, Бодомзор кўчасида жойлашган, ер майдони 0,08 га, қурилиш ости майдони 444,60 кв.метр бўлган бино-иншоотлар. Савдога чиқарилган мулклар билан туман СИБ бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлар тузиладиган "Закалат келишуви"га асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги МФО 01041, ИНН 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қўйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: жисмоний шахслардан – паспорт нусхаси; юридик шахслардан – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Телефон: (0595) 143-01-43, e-mail: info@realtors.uz.

Лицензия рақами RR-0173.

"Respublika mulk markazi" AJ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани ҳокимлигининг 2015 йил 20 майдаги № 73-F сонли буйруғи, 2016 йил 7 апрелдаги далолатномаси ва 2016 йил 8 апрелдаги № 1309/14-сонли буюртманомасига асосан: Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳри, 53-квартал, 3-уй манзилида сақланаётган, "ГАЗ-3110" русумли, давлат рақами 11TV167 бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, бошланғич баҳоси – 2 844 000 сўм, техник носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2016 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 29 апрель куни соат 18.00.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО 01036, ИНН 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52. Расмий сайт. www.rmm.uz.

Гувоҳнома: 001580.

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 2 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўчмас мулк тақроран қўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 06.10.2015 йилдаги № 1-5503/15-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган, № 26800-01/5-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г 9-А мавзеси, 11-уй, 32-хонадонда жойлашган, жами майдони 58,60 кв.м бўлган хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси: 50 000 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳри филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички 258.

Лицензия: RR-0052.

"AUTO TRADE COOPERATION" МЧЖнинг АУКЦИОН САВДОЛАРИГА МАРҲАМАТ!

2016 йил 3 май куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган такрорий "Очиқ аукцион" савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган ҳамда Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: Олмалиқ шаҳар СИБнинг 16.06.2014 йилдаги 11511-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 25 046 739 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 50F552FA, "ГБА-СПГ-Нексия" р-ли ав-на; Олмалиқ шаҳар СИБнинг 04.10.2013 йилдаги 14546-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 717 921 сўм бўлган, 1973 йилда и/ч., д/р. 11А92-19, "ВАЗ-21011" р-ли ав-на; Олмалиқ шаҳар СИБнинг 16.06.2014 йилдаги 11511-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси 25 046 739 сўм бўлган, 2008 йилда и/ч., д/р. 50F552FA, "ГБА-СПГ-Нексия" р-ли ав-на; 2. ФИБ Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ туманлараро судининг 29.10.2015 йилдаги 1-199-2015-сонли ижро варақасига асосан: Оққўрғон туман СИБ томонидан хатланган ЧЭКИ АТБ "Ҳамкорбанк" Чиноз филиалида сақлананётган, бошланғич баҳоси 28 000 000 сўм бўлган, 2009 йилда и/ч., д/р. 10R811EA, "Нексия ДОНС 1,6" р-ли ав-на. Савдолар Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган "Савдо ташкилотчиси"нинг аукцион залида бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан танишиш СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси"нинг АТБ "InfinBANK"даги, МФО 01041, ИНН 302477464, 20208000050515685001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва Устав нусхаси; ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; чет эл юридик ва жисмоний шахслар – сўмдаги маблағларнинг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот. Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, А. Темур 1-тор кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99895) 193-74-96, e-mail: info@auksion.uz.

Гувоҳнома № 005148.

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: I. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 17.09.2014 йилдаги ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув ҚФЙ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 20 000 212,99 сўм, 2004 йилда и/ч., дав/рақ. 10V246КА бўлган, "Нексия" русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

II. Тақроран Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Зангиота тумани суд ижрочилари бўлимининг 2016 йил 28 март кунидаги К-8/13-сонли ариза (буюртма)сига асосан: Зангиота тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 10609/24-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 5 748 557 сўм, 1994 йилда и/ч., д/р. 10N276ЕА бўлган, "ГАЗ-31029" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 1. 6074/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 362 697 сўм, 1988 йилда и/ч., д/р. 11Z7995 бўлган, "ГАЗ-24"; 2. 11517/6-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 208 624 сўм, 1986 йилда и/ч., д/р. рақамсиз бўлган, "ЗАЗ"; 3. 11517/6-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 2 956 516 сўм, 1975 йилда и/ч., д/р. 10І5841 бўлган, "ВАЗ-2011"; 4. 6703/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 246 344 сўм, 1975 йилда и/ч., д/р. 11Q2417 бўлган, "УАЗ-2417"; 5. 11713/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 432 813 сўм, 1973 йилда и/ч., д/р. 11Y7240 бўлган, "ВАЗ-2102"; 6. 9282-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 85 407 сўм, 1986 йилда и/ч., д/р. рақамсиз бўлган, "ЗАЗ-968 М"; 7. 14197/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 182 813 сўм, 1983 йилда и/ч., д/р. 11S0543 бўлган, "ЛУАЗ"; 8. 10139/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 2 444 524 сўм, 1981 йилда и/ч., д/р. 11О9459 бўлган, "ВАЗ-2106"; 9. 3838/6-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 2 034 178 сўм, 1984 йилда и/ч., д/р. 10Т589ЕА бўлган, "ВАЗ-21011" 10. 7279/8-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 5 162 063 сўм, 1990 йилда и/ч., дав/рақ. 11О4482 бўлган, "Мерседесбенц"; 11. 6688/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 887 922 сўм, 1980 йилда и/ч., дав/рақ. 11Q0474 бўлган, "УАЗ-452А"; 12. 7056/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 878 288 сўм, 1986 йилда и/ч., дав/рақ. 30С8069 бўлган, "УАЗ-396201"; 13. 7180/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 457 038 сўм, 1987 йилда и/ч., дав/рақ. 11W7108 бўлган, "УАЗ-3151201"; 14. 7523/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 244 529 сўм, 1977 йилда и/ч., дав/рақ. 11О1082 бўлган, "ВАЗ-2102"; 15. 407/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 781 320 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, "М-2140"; 16. 5343/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 433 002 сўм, 1989 йилда и/ч., дав/рақ. 11А4471 бўлган, "М-412ИЭ"; 17. 12445/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 870 633 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рақ. йўқ бўлган, "УАЗ-2206"; 18. 40506/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 846 324 сўм, 1985 йил и/ч., дав/рақ. 11О6428 бўлган, "УАЗ-469"; 19. 10872/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 68 548 сўм, и/ч. йили номаълум, д/р. йўқ бўлган, "Мотоцикл" техник носоз; 20. 11608/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 428 159 сўм, 1984 йилда и/ч., д/р. 11 Е 3604 бўлган, "ИЖ-21251" русумли техник носоз; 21. 9403/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 498 481 сўм, 1974 йилда и/ч., д./р. 10 А 0528 бўлган, "ГАЗ-24" русумли техник носоз; 22. 9479/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 47 325 сўм, и/ч. йили номаълум, д/р. ноаниқ бўлган, "Урал" русумли техник носоз; 23. 2010 йил 12 августдаги, 8676/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 680 952 сўм, и/ч. йили номаълум, д./р. 10 D 7845 бўлган, "УАЗ-452" русумли техник носоз; 24. 2010 йил 6 августдаги, 8563/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 9 815 915 сўм, и/ч. йили ноаниқ, давлат белгиси 11 М 0058 бўлган, "Камаз-53212" русумли техник носоз; 25. 9322/11-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 244 970 сўм, 1976 йилда и/ч., давлат белгиси 11R3263 бўлган, "ГАЗ-24" русумли техник носоз; 26. 9323/11-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 290 330 сўм, и/ч. йили номаълум, давлат белгиси 10К4990 бўлган, "ГАЗ-24" русумли техник носоз; 27. 9323/11-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 1 290 330 сўм, и/ч. йили номаълум, давлат белгиси 10V1935 бўлган, "ГАЗ-24" русумли техник носоз автотранспорт воситалари; Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бурхон Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 28. 2533/13-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 13 245 389 сўм, 1984 йилда и/ч., д/р. 10О3882 бўлган, "КАМАЗ-53212"; 29. 7340/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 1 166 993 сўм, и/ч. йили номаълум, д/р. 11Y0567 бўлган, "Ваз21011"; 30. 11709/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 486 638 сўм, 1977 йилда и/ч., дав/рақ. 11U1729 бўлган, "ВАЗ-2101" русумли техник носоз; 31. 18712/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 988 638 сўм, и/ч. йили номаълум, дав/рақ. 10Y3505 бўлган, "ВАЗ-2101"; 32. 2010 йил 9 июндаги, 6749/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 589 094 сўм, 1990 йилда и/ч., давлат белгиси 11L6283 бўлган, "ИЖ-212510-10" русумли техник соз автотранспорт воситаси; 33. 2533/13-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 13 832 395 сўм, 1987 йилда и/ч., давлат белгиси 10J930СА бўлган, "КАМАЗ-53212" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Зангиота тумани "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 34. 855/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 20 029 199 сўм, 1984 йилда и/ч., д/р. 30Т6426 бўлган, "КАМАЗ-5320" русумли техник носоз; 35. 855/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 31 142 734 сўм, 1991 йил и/ч., д/р. 11Т8391 бўлган, "КАМАЗ-53212" русумли техник носоз; 36. 4153/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 406 068 сўм, 1988 йилда и/ч., д/р. ноаниқ бўлган, "Урал М-67" русумли техник носоз; 37. 11399/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 2 545 360 сўм, 1974 йилда и/ч., д/р. 11Y7731 бўлган, "ВАЗ-2101"; 38. 421/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 666 356 сўм, 1988 йилда и/ч., д/р. 10О160АА бўлган, "М-412"; 39. 6585/9-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 9 219 054 сўм, 1982 йилда и/ч., дав/рақ. 30К7639 бўлган, "Камаз-5320"; 40. 14426/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 815 926 сўм, 1982 йилда и/ч., дав/рақ. 11 Х 0861 бўлган, "Газ-2401"; 41. 855/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, бош. баҳоси – 25 555 546 сўм, 1988 йилда и/ч., дав/рақ. 30Y4506 бўлган, "Камаз-53212" русумли; 42. 2009 йил 25 декабрдаги 15529/9-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси – 486 320 сўм, 1980 йилда и/ч., давлат рақами 01 Q 432 ВА бўлган, "ГАЗ-24" русумли техник носоз техник соз автотранспорт воситалари; Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Матлуботсавдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган: 43. 2010 йил 26 февралдаги 1342/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 172 093 сўм, 1977 йилда и/ч., давлат белгиси йўқ бўлган, "ЛУАЗ" русумли техник соз; 44. 14201-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 348 760 сўм, 1981 йилда и/ч., давлат белгиси 01Х687ВА бўлган, "ГАЗ-2104" русумли техник соз; 45. 2010 йил 19 апрелдаги, 2289/10-сонли ижро варақасига асосан, бош. баҳоси – 362 248 сўм, и/ч. йили ноаниқ, давлат белгиси йўқ бўлган, "УАЗ-469" русумли техник носоз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

III. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан: 2-192/2008-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, "Интер Рохат" ҚК омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 70 950 970 сўм, 80 400 донадан иборат, 18 W бўлган, TL-D русумли ва 2 300 донадан иборат, 36 W бўлган, TL-D русумли – дневной лампалар савдога такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 4 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

VI. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 24.12.2014 йилдаги 1-954/15-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 30 165 000 сўм, 2009 й. и/ч., дав/рақ: 01L874ВА бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

V. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан: 12.05.2014 йилдаги 11-1402/1189-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани СИБ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 25 147 200 сўм, 2013 й. и/ч., дав/рақ: 10/757RAA бўлган, "Матиз" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 23 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 4 май куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 2 май соат 16.00 гача; 2016 йил 23 май куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 20 май соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

Дарвоқе

Бўка деганда, аввало, кўз олдимизга вилоятимиздаги сўлим ва бетакрор туманлардан бири келади. Лекин унинг номи дафъатан кўпларни ўйлантириб қўйиши ҳам бор гап. Қизиқ, нима учун Бўка?!

БЎКАДАН КУЁВ ҚИЛИНГ

Бўка – қадимий сўз бўлиб, асрлар давомида кўчма маънода ҳам қўлланиб келинган. Вақт ўтиши билан бу сўзнинг истеъмолдан чиқиши боис, унинг туб маъноси унутилган бўлиши табиий.

Яқинда туманда ўтказилган анжуманлардан бирида иштирокчилардан: "Туманингиз номи нега Бўка?" деб сўраганимизда, улардан бири: "Туман марказида катта тепалик бор. Ёши улуғлар буни қадимда қалъа бўлган, дейишади. Унинг ҳокими аёл киши бўлиб, ўша бека ўн бешта худди шундай қалъаларни бошқарган экан. Бу жой ўша аёл шарафига қўйилган", деса, иккинчи иштирокчи: "Тепалик атрофида шифобахш булоқлар бўлган. Шу сабаб, Бўка дейилади", деб жавоб берди.

Кўриниб турибдики, ҳар икки ҳолатда ҳам афсоналарга таянилмоқда. Аслида, афсона ва ривоятлар замирида маълум маънода ҳақиқат бўлади. Аммо, юқоридаги фикрларни афсона дейиш ҳам қийин. Ҳар ҳолда, уларнинг жой номига боғлиқ жиҳати бўлмаса керак.

Бўка тарихини ўрганган зиёлиларимиз буни яхши билишади. Мақсадимиз – ёш авлодга ўзи яшаётган жой номларининг маъносини англатиш, қалбида миллий ғурур туйғусини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясида келтирилишича, Бўка – туркийча – зўр, кучли, деган маъноларни англатади. Аниқроғи, бу сўз турли анъанавий байрам ва тантанали маросимлар чоғида ўтказиладиган паҳлавонлар мусобақасида қатнашувчи курашчи, полвонларга нисбатан қўлланилиши қайд этилган. Уларнинг халқ орасидаги обрўси баланд бўлган. Қадимий Суғдда энг кучли Бўка шарафига ҳар йили байрам куни нишонланган. Энг зўр бўка (паҳлавон) учун ноз-неъматлар билан безатилган махсус дастурхон тайёрланган. Ёзилган дастурхонга ундан бошқа киши яқинлашмаган. Бўкалар мусобақаси тинчлик вақтларида, шунингдек, ҳарбий сафар ва юришлар пайтида ҳам ўтказилиб турилган. Демак, Бўка полвон дегани экан-да. Тарихда полвонлар турли номлар билан аталган: тош полвон, курашчи полвон, улоқчи полвон каби.



Қадимда тўй-тантаналар бирор мусобақасиз ўтмаган, Тўйларда кураш ва кўпкари ўтказиш бугунгача сақланиб қолган. Бу ёшларни жисмонан бақувват, эпчил бўлиб камол топишида ўзига хос мактаб вазифасини ўтаб келмоқда. Айниқса, донғи чиққан полвонлар кураши чинакам халқ сайилларига айланиб кетган.

Бўка номи айрим қадимшуносларнинг фикрича, туркий халқларнинг бир уруғи – бўка (бўке) номидан, деб ҳам тахмин қилинади. Суюн Қораевнинг "Топоника" китобида "Бўка – ш, Бўка тумани" деган сўзлар бор. Ундаги маълумотларга қараганда, қадимги турк тили, ҳозирги баъзи бир туркий халқлар тилида ҳам бўка "паҳлавон" деган маънони англатади. Шунингдек, Бўка деган уруғ ҳам бўлган.

Буюк саркарда ва мутафаккир бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида ҳам шундай лавҳа бор: "Жонибек дўлдой Султон Абусаид мирзо Самарқанд ҳукуматини ва Султон Аҳмад мирзо ўз эшигининг ихтиёрини мунга бериб эди, муни эшик оқо қилиб эди. Самарқанд ҳокими экан фурсатлар ўзбакдин элчи келур, ўзбак улусида бу элчи зўрга машҳур экандур. Ўзбак зўр кишини бўка дер эмиш. Жонибек дерким: Бўкамусен? Бўка бўлсанг кел курашалинг. Бу элчи ҳар неча музояқа қилур, қўймас, курашурлар..."

Муаллифнинг "зўрга машҳур экандур" дегани, элчининг ҳам донғи чиққан полвон эканини билдиради, албатта.

Полвонлар тўғрисида сўз кетар экан, дарёқалб инсонлар ҳақида тўхталмасликнинг ҳам иложи йўқ. Дорбозлик, тош кўтариш ва бошқа спорт турлари бўйича катта мактаб яратган, ўнлаб шогирдлар етиштирган таниқли водиллик Турсунали полвон ўзининг "Полвоннома" китобида шундай воқеани келтиради: Бир элга машҳур чавандоз вафот этади. Маъракаси учун марҳумнинг аёли унинг кўпкарига чопадиган зотдор отини ҳам сўйишни буюради. Шогирдларидан бири: "Ахир бунинг ўрнига 10 та от берадику, бошқа от олиб сўяйлик", деса, у: "Эрим минган отни бошқада кўришни истамайман", деган экан. Воқеага гувоҳ бўлган марҳум полвоннинг устози: "Шогирдимни полвон десам, келинам полвон экан", дея ҳайратини яширмайди...

Бундай инсонлар нафақат ориятли, балки эл-юрт ривожига ҳисса қўшишни, кўпчиликнинг оғирини енгил қилишни умрининг мазмунига айлантиради. Шундайлар бугун Бўкада ҳам талайгина. Ушбу туман вилоятимизнинг бошқа ҳудудлари қатори чирой очиб, тамомила янгича қиёфа касб этмоқда. Бугунги кунда яратиш иштиёқи билан ёниб яшаётган кенг юрак, оташқалб бўкаликлар мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шуҳрат НАСИМОВ,
маънавият тарғиботчиси.

Тошкент воҳаси: афсона ва ҳақиқат

Тошкент вилояти ҳудудидаги тарихий ва маданий ёдгорликларни ўрганишга оид кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, ушбу воҳа ер юзида инсоният илк пайдо бўлган маконлардан биридир. Вилоят ҳудудидаги дастлабки тадқиқот ишлари ўтган асрда бошланган бўлса, бугунга келиб бу жараён халқаро аҳамият касб этди.

ҚОЯТОШГА МУҲРЛАНГАН ТИЛСИМЛАР

Обираҳмат – халқаро рўйхатдан боқий жой олган қадимий ёдгорликдир. Бу ердан 60 минг йилдан бурунроқ яшаб ўтган одам суяклари ва қадимий Кўлбулоқ қароргоҳи топилган.

Обираҳмат ва Кўлбулоқ номларининг ўзиёқ ҳаёт манбаи бўлмиш сув неъматини ёдимизга солади. Бу ҳол табиат ушбу минтақани нақадар сахийлик билан сийлаганини яна бир бор тасдиқлайди. Қадимий ажойиб ёзма манба – қоялардаги турли-туман расмлар ва белгилар ҳам шундан далолат беради.

Биз шунчаки, расмлар ҳақида гапираётганимиз йўқ. Зеро, булар узоқ ўтмиш тарихини бугунги замон билан боғловчи битиклардир. Бошқача айтганда, бизнинг қадим аждодларимиз улар воситасида ўз ҳаётлари, ҳис-туйғулари, фикр-ўйлари, замон мураккабликлари ҳақида ҳикоя қилишни исташган, бўлса ажабмас.

Қадимий одамларнинг жўн ҳаёт тарзлари ҳақидаги тасаввурлар аллақачон ўтмишда қолиб кетган. Аждодларимиз ўзларининг табиат билан боғлиқликларини жуда ўткир ҳис қилган бўлишлари мумкин. Қанчалик ғалати туюлмасин, биз, бугунги замон одамлари она табиатнинг бундай нидолару ифода воситаларига нисбатан нечукдир беэътибормиз.

Тошкент воҳаси қояларидаги расмлар кишини ҳайратга солади, ажаблантиради, руҳлантиради. Уларнинг кўпи халқаро аҳамиятга молик буюк тоғ жисмлари рўйхатига киритилган. Жумладан, Хўжакент, Бошқизилсой, Чотқол, Қизилолмос петроглифлари энг қизиқарли ва ажабтовур ҳисобланади.

Бошқизилсойнинг Паркент тумани шарқий қисмидаги ўнг қирғоғида 1934 йилдаёқ петроглифлар топилган эди. Бу ерда ёввойи ва уй ҳайвонларининг 600 дан зиёд расмлари, рамзий белгилар, сирли ҳодисалар тасвири қайд этилган бўлиб, уларни ўрганишнинг чек-чегарасини аниқ айтиш қийин.

Хўжакент қояларидаги расмлардан кўпчиликнинг хабари бор. Улар маҳаллий ўлкашунос-ўқувчилар томонидан очилган ва олимлар томонидан ўрганилган. Шунингдек, Бўстонлиқ туманининг бошқа қисми ҳамда Оҳангарон туманида ҳам бундай топилмалар сақланиб қолган.

Қояларга чизилган кўплаб расмлар узоқ ўтмишдаги расм-русумлар сирсиноатларини ўзида сақлаб келади. Зеро, бизнинг тош асрининг энг сўнгги бронза, темир даврларида яшаган аждодларимиз ўз маданиятлари ва маънавий қадриятларини шу тахлит шакллантирган бўлишлари эҳтимолдан ҳоли эмас.

Энг қизиғи, бу жойлар кишини ўзига тортувчи қандайдир кучга эга. Айнан шу боис кўплаб петроглифларни аҳоли, айниқса, аёллар муқаддас ҳисоблайдилар. Буни тушуниш мумкин. Зеро, қоялардаги 30-60 минг "ёшли" расмлар шу масканларда яшаган, оила қурган, фарзандлар ўстирган аждодлар куч-қудратидан дарак берувчи рамзлардир. Бу ҳайратомуз ёдгорликларда қадимий одамларнинг турмуш тарзи, дунёқараши мужассам. Бинобарин, улар бир неча ўн минг йиллар давомида сақланиб қолган. Уларни қандай куч сақлаб келгани ҳақида мулоҳаза қилиб кўриш фойдадан ҳоли эмас. Турли урушлару табиий фалокатларга қарамай, улар бутун қолган. Назаримизда, улар ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлиги қонунияти шарофати билан ҳам яшайди ва юксалади.

Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,
халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи.

Кўргазма

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси залида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб бадиий кўргазма ташкил этилди.

ЮРТГА МУҲАББАТ ИФОДАСИ

Мусаффо осмон остида, она табиатнинг сўлим гўшаларида картина ишлаш – пленер жанри мусаввирлар учун энг завқли, мароқли ижод саналади. Бундай суратлар санъат ихлосмандлари томонидан ҳам ғоят қадрланади.

"Ассалом, пленер!" деб номланган мазкур кўргазмадан мусаввирларнинг юртимиз воҳаларини кезиб, гўзал манзаралардан илҳомланиб ишлаган картиналари ўрин олган. Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад мамлакатимизнинг сўлим масканлари тасвирини мўйқалам аҳлининг янгича нигоҳи, ўзига хос ижодий талқини асосида томошабинларга етказишдир.

Рассомларимизнинг чексиз ҳайрати, ҳаваси, табаррук заминимизга меҳр-муҳаббати билан йўғрилган ушбу асарлар ҳар бир томошабинда жонажон Ўзбекистонимиздан фахрланиш туйғусини янада жўш урдиради. Кўргазмада Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Бахтиёр Назаров, Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойбергенов, моҳир мусаввирлар Эркабой Машарипов, Ғанишер Ҳайдаров, Тошпўлат Намозов, Аслиддин Исаев, Бахтиёр Маҳкамов каби ижодкорлар яратган асарлар билан танишиш мумкин.

Н. УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЧЕМПИОНЛАР ОСМОНДАН ТУШМАЙДИ

Шоҳжаҳон Паркент туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг белбоғли кураш тўгарагига қатнайди. У ўтган йили худди шу йўналишда республика чемпиони бўлди.

Болалар спорти

– Спортчи бўлиш осон эмас экан, – дейди Шоҳжаҳон. – Жисмонан чиниқишнинг ўзи камлик қилади. Кучли ирода, сабр-тоқат, шу билан бирга, ақлни вақтида ишлата олиш ҳам керак. Мураббийим Суннат Қозоқбоев шуларни ўргатаяпти. Машғулотларда ҳам жисмонан, ҳам маънан тобланаяпман. Ниятим Жаҳон чемпиони бўлиб, юртимиз байроғини янада юксакларга кўтариш.



Спорт мактаби туман ёшларининг севимли масканига айланган. Олти юз нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олаётган масканда ўғил-қизлар спортнинг футбол, волейбол, бокс, бадиий гимнастика, белбоғли ва эркин кураш каби турлари билан шуғулланмоқдалар.

Мактабда иқтидорли спортчилар кўплиги қувонарли. Ўтган йил улар республика чемпионатларида 14 та олтин, 15 та кумуш ва 45 та бронза медалларини қўлга киритдилар.

Албатта, спорт мактабининг замонавий анжомлар билан таъминлангани ёш спортчиларнинг юксак марраларни қўлга киритишига пухта замин яратмоқда. Бундай натижаларга эришишда мураббийларнинг хизматини ҳам алоҳида эътироф этиш керак. 15 нафар мураббий ўғил-қизларга спорт сир-асрорларини ўргатиб, тажриба ва маҳорат сабоқларини беришаётир.

– Ўғлим шу мактабда бокс билан шуғулланади, – дейди Фотима Эргашева. – Энг асосийси, бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиб вояга етмоқда. Президентимизнинг келажак авлодга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлари нафақат фарзандларимизни, балки биз, ота-оналарни ҳам жуда хушнуд қилмоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

Одамийлик шеваси

БОРИНГГА ШУКР, ОҚИБАТ

– Дадаси, ҳадеб сиқилаверманг. Дард дегани сўраб-нетиб ўтирмайди. Бу ҳам Яратганнинг бир синови. Ҳали мени айтди дерсиз, ҳаммаси яхши бўлиб кетади. Қутмурод акамнинг кўзлари яна аввалгидек кўра бошлайди, – деб Лобар Каримга далда беради.

Лобар чаққонгина аёл. Саранжом-саришталикни яхши кўради. Ҳар куни қайноғаси ётган уйни супуриб-сидиради. Вақтида ош-овқатини беради. Ота-онаси вафотидан сўнг оила, рўзғор ташвишлари Каримнинг гарданига тушган. Деҳқончиликдан бўш вақтида устачилик қилади. Том ёпади, ғишт териб, девор кўтаради. Хуллас, қўли гул уста. Қишлоқда уни деб навбат кутганлар талайгина.

Қишлоқда Сирожиддин исмли қўли енгил дўхтир бор. Ўзи содда, камтаргина йигит. Ҳеч кимдан ёрдамини аямайди. Уч-тўрт йил бўлди, қишлоқ врачлик пунктида бош шифокор. Яқинда янги уй қўтарганди. Ўша уй томини ёпишни Каримга илтимос қилди. Навбати келгач, ҳамроҳи Юсуф уста билан иш бошлашди.

– Каримжон, акангни соғлиги яхшими? Анчадан бери тиббий кўрикка олиб чиқмадинг? Ё, биздан хафа бўлдингми? – деди Сирожиддин дўхтир пиёладаги чойдан бир хўпларкан.

– Э ака, сиз сўраманг – мен айтмай. Акамнинг аҳволи яхши эмас. "Касал касални чақиради", деб бекорга айтишмаган экан. Аввал бир кўзи, кейин иккинчи кўзи ҳам ярамай қолди. Ҳозир кўчага ҳам чиқмайди. Буткул тўшакка михланган. Сиз қўлингиздан келганини қилдингиз. Шаҳарга олиб борай, даволатай десам...

Каримнинг томоғига алланарса тиқилгандек бўлди. Овози ҳам титрай бошлади. Гапи бўғзида қолди.

У кўзларини бир нуқтага қадади. Шу топда дилидан нималар ўтгани, унинг ўзигагина аён эди. Буни зийрак дўхтир пайқамай қолмади:

– Э-эй ука, бу дунёда ҳамма нарса пул билан ўлчанмайди. Сен эртагаёқ акангни шифохонага олиб чиқ. Аввал яхшилаб кўрикдан ўтказамиз. Кейин йўлланма ёзиб бераман. Пойтахтда Шуҳрат Аббосович деган қўли енгил шифокор ишлайди...

Каримнинг чеҳраси ёришди. Синиққан юзига қизиллик югурди. Сирожиддин дўхтирга раҳмат айтди. Шифокорлар Каримнинг акасини яхшилаб текширишди...

Ўша воқеадан бир ой ўтгач ишдан қайтаётгандим. Қутмурод акани кўрдим. Бошида дўппи, кўзида эса қора кўзойнак. Кайфияти чоғ эди. Унга яқин бордим. Мени дарров таниди. Қувончдан кўзлари ёшланди.

– Яратганга шукр ука, кўзларим яна аввалгидек кўраяпти. Энди бошқа кўролмасам керак, деб ўйлагандим. Каримжон укам зўр йигит-да. Агар у бўлмаганида билмадим, ожизлигимча қолиб кетармидим? Яна Сирожиддин дўхтир, қўли енгил шифокор Шуҳрат Аббосовичдек инсонларнинг борлигига шукр.

Қутмурод аканинг севинчидан кўнглим ёришди.

Латифжон МАНСУРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5685. Адади 12247. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 00.50.